


## IN MEMORIAM

### КАТО КЮДЗО СИЙМОСИ ўзбек-япон муносабатларида яшайди



Жорий йилнинг 12 сентябр куни, Термиз шаҳрида ўзбек-япон археологик экспедиция таркибида қазилма ишларини олиб бораётган таниқли япон олимни, профессор Като Кюдзо 94 ёшида қисқа давом этган касалликдан сўнг вафот этди.

Като Кюдзо 1922 йил 18 майда Японияда туғилган. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси. Урушдан кейин ҳам оғир қийинчиликлар даврини бошидан кечирганига қарамай, ҳамиша ҳаётни севди, босиб ўтган узоқ умрини инсониятга илм-маърифат тарқатишга сарф этди. Олимнинг қарийб бир асрлик умрини икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи ярми ҳақидаги кечинмалари, унинг “Сибирь в сердце

японца” (“Сибирь бир японнинг юрагида”) китобида баён қилган бўлса, ҳаётининг қолган қисми мазмуни унинг юздан ортиқ, миллионлаб ададда, ўзбек, япон, инглиз, рус, француз ва дунёдаги бошқа тилларига таржима қилинган, чоп этилган ва этилаётган китоблари, монографиялари, илмий мақолаларида ўз аксини топган.

1960 йилларда Като Кюдзо ўз даврининг машҳур олимларидан, XX аср ўзбек археология мактабининг асосчиларидан бири, профессор Г.А. Пугаченкова билан танишади.

Бу танишув олимнинг Ўзбекистондек буюк тарихга эга ўлка билан кунчиқар мамлакат ўртасидаги тарихий, маънавий алоқалари илдизларига қизиқишини уйғотади ва уни Ўрта Осиёning тарихий юраги бўлган Ўзбекистон сари ундейди.



1963 йилда Като устози, ўша пайтда жаҳон адабиётида машҳур бўлган япон ёзувчиси Ясуси Иноуэ (1904-1991й.) билан Ўзбекистонга саёҳатга келиб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарлар билан танишади. Ўзбекистонга чин дилидан ошиқ бўлиб қолган Като бир воқеадан хурсанд бўлади. Чунки айни шу пайтда археологлар Самарқандда қадим Афросиёб қаъридан жаҳон илмида катта кашфиёт бўлган, Самарқанд хукмдори саройига келган хорижий давлатларнинг элчилари тасвиirlарини японларга намойиш этишади. Бу мисли кўрилмаган санъат намуналарини умрида биринчи маротаба кўриб лол қолган Като ўзининг бундан кейинги ҳаётини фақат шу ўлка билан боғлашга қарор қиласди. Саёҳатдан ўз юртига қайтгач, Като турли илмий анжуманлар, конференцияларда Буюк Ипак Йўлининг қоқ марказида, бепоён сахрою-биёбонлар узра жаннатмакон бу воҳаларда япон халқига, унинг тарихига, эътиқоди, диний илдизларига, маънавиятига дахлдор бўлган бағрикенг, меҳмондўст халқ-ўзбеклар яшаётганлиги ҳақида маърузалар қиласди. Шунингдек, Ўзбекистон заминидаги бой қадриятлар ҳақида японларга илмий маълумотлар, далиллар етказиши мақсадида Самарқанд тарихи бўйича тадқиқот олиб борган рус олимларидан академик Шишкин, Албаум монографияларини япон тилига таржима қилиб, нашр эттиради. Катонинг қадим Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ва Япония халқларнинг муштарақ тарихий илдизлари ҳақидаги илмий изланишларини қўллаб-қувватлаган яна бир таникли япон олими доктор Дайсаку Икеда ўзи ташкил этган Сока Университетига Като Кюдзони “Археология” кафедраси мудири лавозимига таклиф қиласди. Тез орада олимнинг Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистоннинг бой тарихи мероси, унинг япон тарихи билан боғлиқ жиҳатлари ҳақидаги илмий қарашлари мазкур университетнинг илмий жамоатчилиги ўртасида эътибор ва эътирофга сазовор бўлади. Катонинг жаҳонда танилган ўзбекистонлик қадимшунос олимлар академик, археолог Яхё Ғуломов (1908-1977 йй.), Галина Пугаченкова, Эдвард Ртвеладзе билан илмий ҳамкорлиги, кейинчалик чин дўстлик муносабатларининг ўрнатилиши ўзбек-япон илмий алоқалари мустаҳкамланишига хизмат қилди.

1988 йили Япониянинг қадимий пойтахти — Нара шаҳрида бўлиб ўтган “Буюк Ипак Йўли Нарага етаклайди” деб номланган халқаро конференция



кўргазмасида Ўзбекистоннинг жанубидаги Далверзинтепа археологик ёдгорликдан топилган 3 дона Будда ҳайкалининг намойиш этилиши жуда катта шов-шувга сабаб бўлади. Бу ҳайкаллар япон жамоатчилигига япон-ўзбек халқларининг қадим тарихий илдизларининг муштарак эканлигига ишонч ҳосил қилдиради.

Сока университети Президенти Дайсаку Икеда, Като Кюдзо раҳбарлигига илмий-археологик экспедицияни Ўзбекистонга юборишга қарор қиласди. Като Кюдзо 1989 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти билан имзоланган шартнома асосида, қадимги Кушон давлатининг пойтахти бўлган Далверзинтепада, ilk ўзбек-япон илмий археологик экспедициясига раҳбарлик қиласди. Бунгача мазкур объектда узоқ йиллар давомида археологик қазилма ишлари фақат собиқ марказ рухсати ва назоратида олиб бориларди. Хорижий давлатлардан келган археололарнинг ўн йилликлар давомида қазилма ишлари натижасида топилган ноёб осори-атиқаларни “чукур тадқиқ қилиниши”ни рўйач қилиб марказга олиб кетиларди. Илк ўзбек-япон археологик экспедицияси, табиийки, жуда самарали якунланди. Аввалги амалиётдан фарқли ўлароқ, барча топилмалар тўлалигича Ўзбекистон тарихий, илмий, маданий мероси

хисобланди. Биринчи ўзбек-япон археологик тадқиқотлари, унинг илк натижалари япон илмий жамоатчилигининг катта қизиқишига сабаб бўлди. Ўзбекистонда археология, этнография, маданиятшунослик, санъатшунослик йўналишида жаҳон илм ахлига номаълум бўлган янги бир олам очилди. Мазкур соҳани ўрганиш учун Япониядан тадқиқотчи олимлар ва мутахассислар Ўзбекистон сари отландилар.

Бу орада Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Табиийки, собиқ империяни парчаланиши, дастлаб собиқ метрополия билан боғлиқ ҳолда фаолият юритиб келган ўзбек қадимшунос олимларини бирмунча саросимага солганилик ҳоллари ҳам бўлди. Аммо истиқлолнинг дастлабки даврлариданоқ Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан тарихчи олимлар олдига ватан тарихини ҳаққоний ва холис ўрганиш вазифаси қатъий қўйилди. Бу вазифани амалга ошириш бўйича бошланган жиддий жараён археология, қадимшунослар топадиган осори-атиқаларнинг аҳамиятига берилган эътибор япон илмий жамоатчилиги, айниқса Като ва унинг ҳамкасларида, ҳомийларда Ўзбекистонда илмий тадқиқотларни давом эттиришга нисбатан қатъий ишончни пайдо қилди. Ўзбекистон мустақиллигини қўлган киритгандан кейин ўтган чорак аср вақт давомида ўзбек-япон ҳамкорлигидаги археология қазилма ишлари бирон йил ҳам тўхтамай, узлуксиз олиб борилди. Бу илмий ҳамкорликнинг Япония томонидаги асосий локомотиви — бу профессор Като Кюдзо эди.

Профессор Като жаҳон фани ва маданияти равнақига ўзининг буюк хизматларининг билан улкан ҳисса қўшди. Олимнинг илм-фан соҳасида яратган оламшумул кашфиётлари, қолаверса, ўзбек-япон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қўшган бекиёс хизматлари ўзбек ва япон илмий жамоатчилиги томонидан, қолаверса хорижлик олимлар томонидан катта эътироф ва хурматга сазовор бўлди. Шу ўринда профессор Катонинг ўзбек қадимшунослик фани соҳасида қилган бир қатор хизматларини алоҳида эътироф этиш мақсадга мувофиқ бўлади, бизнингча.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлашда бошқа соҳалар қатори, илм-фан соҳасида ҳам миллий манфаатлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашди. Табиийки, собиқ империя тарафдорлари бўлган баъзи олимлар энди “марказ” бюджетидан илмий институтларга маблағ ажратиласлиги, мутахассислари билан алоқаларни сусайиши, бора-бора узилиши туфайли ўзбек қадимшунослиги, археология тадқиқотлари пароканда бўлади, инқирозга юз тутади, деб жар солишди. Аммо бундай “башоратчи”ларнинг умидини пучга чиқишида айнан профессор Като ва унинг сафдошлари саъй-ҳаракатлари катта роль ўйнади.

Айнан ўша йилларда Като Ўзбекистондаги археологик тадқиқотларга Япониянинг йирик олимлари, мутахассисларини жалб қилиши, улар билан бирга жаҳонда энг илғор ҳисобланган япон технологияларини, жиҳоз ва ускуналарнинг олиб келиниши, бу соҳада ёш ўзбек олимларининг малакасини мунтазам ошириб борилиши, сўзсиз, истиқлол даврида қисқа муддат ичида мутлақо янги, мустақил, илғор ўзбек археология мактабини шаклланиши, ривож топиши ва жаҳон илм-фанида эътироф этилишига хизмат қилди.

Профессор Като мустақиллиги йилларида Ўзбекистонга 100 мартадан ортиқ келди. У биздан, кўпчилик ўзбеклардан “бошқача” ўзбек эди, десам муболага бўлмайди. Чунки, у ҳамма жойда “менинг тарихий, иккинчи ватаним — бу Ўзбекистон” деб барадла айтиши билан бирга, ҳеч қачон бошидан ўзбек дўпписини кўймасди. Натижада, Като-бобони Ўзбекистонда ёшу қари, билмаган одам қолмади. Като юртимизда ўтадиган барча шодиёналарда, байрамларда, турли маданий-маърифий тадбирларда албатта иштирок этиши билан бирга ўзбек маданиятини Япония ва жаҳондаги фаол тарғиботчиси сифатида элимиз ҳурматини қозонди. Айниқса, ўзбек ёшлари уни жуда яхши кўришарди, “Като-Бобо” ва “японлар” ёшларимиз тасавурида синонимга айланиб қолганди. 1988-1998 йилларда Далверзинтепа ёдгорлигида олиб борган қазилмалар ишларида Като япониялик ҳомийлари ҳисобидан ўша ерда икки қаватли бино қурдирди ва уни ўзбек археологияси соҳасига тухфа қилди. 1998 йилдан профессор Като ўз фаолиятини қадим Термиз заминида давом эттириди. Амударё қирғоқларида буддавий даврнинг жаҳон илм-фанида машҳур бўлган Фаёз-Тепа, Қора-Тепа каби бепоён ва ноёб археологик ёдгорликлар мавжуд. Собиқ иттифоқ даврда бу ёдгорликлар ҳудудига кириб бўлмасди. Чунки Қора-тепа ёдгорлиги ҳудудида шўролар чегара кўшинларининг танкодроми ва оғир артиллерияси ўрин олган бўлиб, бу ерда замбараклардан ўқ отиб, машқ қиласидан полигон жойлашганди. Қарийб бир асрдан ортиқ даврда бу ёдгорлик бетўтов, шафқатсизларча тўпга тутиб келинганди. Мустақиллик туфайли бу ваҳшийликка чек қўйилди. Като бу заминга келиб, собиқ шўролар тузумидан мерос қолган бу вайронани кўзига ёш билан ўрганиб чиқди ва кейинги фаолиятини айнан шу ёдгорликда давом эттиришга бағишилади. Кўҳна Термиздаги ўзбек-япон илмий ҳамкорлигини олиб боришга қулай шароитлар яратиш мақсадида бу шаҳарининг фахрий фуқароси сифатида Термиз Давлат Униврситети ёнидан эски ҳовлини олиб таъмирлади ва уни илмий базага айлантириди.

Япониялик ҳомийларни жалб қилган ҳолда, собиқ даврида вайрон қилинган Фаёз-Тепа, Қора-Тепадаги ноёб обидаларни қор-ёмғир, шамоллар таъсирида йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолиш чораларини амалга оширилишида алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Ҳар томонлама етук олим, юксак маданият ва дид соҳиби, чин инсон Като Кюдзо бир пайтнинг ўзида бир неча тилларни биларди. Япон тилидан ташқари, рус, инглиз, француз, ўзбек, турк тилларида китоблари бемалол мутолаа қиласиди. Ҳатто унинг ўзбек тилида гапирадиган бир нечта иборалари халқ орасида кенг тарқалганди ҳам. Ўзининг шогирдларини иложи борича бир нечта хорижий тилларни ўрганишга ундар, айниқса, ўзбек тилини мукаммал ўрганишни талаб қиласиди. Профессор Като бу талабини асослаб шундай дер эди: “ўзбек тилини билиш, бу барча туркий тилларга калитни топиш, туркий тилларни билиш эса, бу — демак Буюк Ипак йўли эшигини очиш билан баробардир”.

Профессор Катонинг ўзбек -япон илмий ҳамкорлигини қарийб 30 йил давомида узлуксиз давом этишидаги хизматлари, истиқлол даври ўзбек археология мактабини яратилишидаги ҳиссаси, ўзбек-япон халқлари ўртасидаги ҳар томонлама дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-харакатлари ўзбек халқи Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти, томонидан юқори баҳоланди ва 2002 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Като Кюдзо — Термиз шаҳрининг фахрий фуқароси, Ўзбекистон Фанлар Академияси Санъатшунослик институтининг фахрий доктори унвонларига сазовор бўлди. Шу билан бирга олим ўз юртида ўзбек-япон дўстлигига қўшган ҳиссаси, Буюк Ипак йўли, буддавий даврлар маданиятини тадқиқ қилишдаги илмий фаолиятининг 25-йиллиги муносабати билан Япониянинг “ОЛТИН НУРЛИ МУҚАДДАС ХАЗИНА” ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистон мустақиллигининг осон кечмаган, таҳликали даврларида ҳам унинг келажагига катта ишонч ва меҳр билан қараган ўта камтар шу билан бирга, жаҳон тан олган бу япон олими ҳақида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ҳам катта эҳтиром билан гапиравар эдилар. Айниқса, 2014 йилнинг май ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманда қилган маърузасида япон олимининг хизматларига катта баҳо берганди.

Профессор Като Кюдзонинг вафоти — бу жаҳон илм-фани учун сўзсиз катта йўқотишdir. Бу ўзбек фани учун катта, меҳрибон устоздан айрилиш бўлса, ўзбек халқи учун яна бир ўзбек ўғлонидан жудо бўлиш билан баробардир.

Ўзбек халқи дўстини миллатидан, динидан, эътиқодидан қатъий назар самимий кўрадиган, қадрлайдиган халқ. Демак, профессор Като Кюдзонинг ёрқин хотираси халқимиз, айниқса, Като-бобони севиб қолган ёшларимиз хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди.

Профессор Катодан қолган илмий меросни, қолаверса ўзбек-япон ҳамкорлик муносабатларини ҳар икки миллат олимлари, ўзбек, япон шогирдлари муносиб давом эттиришади, бунга ишочимиз комил.

Като Кюдзо тимсолида мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Япония хукумати орасида қарор топган ва ривожланиб келаётган ўзбек-япон ҳалқларининг дўстлиги бардавом бўлади.

Япон олими ҳаётлигига бир неча маротаба, мабодо қазо вақти битиб вафот этса, унинг ҳокини Ўзбекистон тупроғига, қадим Термиз, Аму қирғоқларидаги буддавий ёдгорликлар пойига дафн этилишини орзу қилиши ҳақида гапирган эди. Эҳтимол, Като бобонинг навбатдаги илмий экспедиция билан айнан Термизга келганида тўсатдан вафот этиши ҳам унинг охирги орзусининг адo этилишига бир ишора бўлгандир? Бунда ҳам қандайдир ҳикмат бордир? Бироқ марҳумни беваси, яқинлари, унинг жасадини Японияга олиб кетишга ва ўз юрти урф-одатларига риоя қилган ҳолда сўнгги йўлга кузатишга қарор қилишган экан, унга хурмат кўрсатишдан бошқа чора йўқ. Аммо шуни яхши биламизки, Като Кюдзонинг руҳи ўзбек тупроғида қолади, ўзи севган ёдгорликлар узра айланиб юради.

Турсунали Қўзиев  
Ўзбекистон Республикаси  
санъат арбоби,  
академик

## 加藤九祚先生の思い出

### ウズベキスタン・日本両国関係に大きく寄与した人物



今年9月12日、日本の有名な学者、加藤九祚氏はテルメズ郊外におけるウズベキスタン・日本発掘調査中、短期間の闘病の末死去した。享年94歳であった。

加藤九祚氏は1922年5月18日に韓国で出生。第二次世界大戦に出征し、戦後の困難な時代を体験したが、常に自身の人生を愛していた。長い人生の大半を学問と研究

結果の普及に費やした。彼のほぼ一世紀にわたる人生は、二つの時期に分けられる。前半に関しては、同人著作の「日本人の心のシベリア」という本に詳しい。後半の人生は、多くの記事や資料、学術論文の中で記されており、ウズベク語、日本語、露語、仏語等に訳されている。

1960年に加藤九祚氏は、20世紀のウズベク考古学創始者の一人であるプガチェンコワ教授と知り合った。この出会いにより、加藤九祚氏は偉大な歴史を有すウズベキスタンと日本の歴史的・文化的関係に関心を持った。右出会いが契機となり、彼は中央アジアの歴史的な中心地であるウズベキスタンへの学術遠征を決意したのである。

1963年に加藤九祚氏は、当時著名な日本人作家、井上靖（1904～1991年）とウズベキスタンの歴史的都市であるタシケントやサマルカンド、ブハラ等を旅した。心底ウズベキスタンを敬愛している加藤九祚氏にとってこれは感動的な出来事であった。その際、サマルカンドのアフラシアブ遺跡から発掘された古代サマルカンドの王宮を訪問していた外国人代表団が描かれた壁画が、日本人に向けて展示されていた。右壁画を初見にて感動したことにより、加藤九祚氏はウズベキスタンに関する研究の開始を決意した。


帰国後、彼は様々なフォーラムや会議等でシルクロード中心部のオアシス国家ウズベキスタンに関する発表を行った。発表では、ウズベキスタンが日本の歴史、文化、宗教的ルーツに対し関係があり、人々は寛大で親

切である等につき言及された。また、加藤九祚氏はウズベキスタンに関する科学的証拠として、サマルカンドの歴史研究者であるロシア人アカデミックのシシキン氏とアリバウム教授による学術資料を和訳し、刊行した。古代中央アジア、特にウズベキスタンと日本の歴史研究に勵んでいた加藤九祚氏は、創価大学創立者の池田大作学長の支援の下、創価大学においても教鞭を執った。

加藤九祚氏のウズベキスタンと日本の歴史に関する研究は、日本の学界においても評価された。ウズベキスタンの有名な考古学者及び学者であるヤフヨ・グラモフ氏（1908～1977年）、ガリナ・プガченコワ氏、エドワルド・ルトウェラーゼ氏らと加藤九祚氏との学術協力は、ウズベキスタンと日本の友好関係を深める事に貢献した。

1988年に日本の奈良で開催された「奈良につながるシルクロード」と呼ばれた国際学会にて、ウズベキスタン南部のダルベルジンテパ遺跡から発掘され、人々の心に感動を与えた3つの仏像が展示された。これらの彫像はウズベキスタンと日本の歴史・文化的関係を示すと考えられる。これらの経緯を経て、創価大学の池田大作学長により、加藤九祚氏を代表とした考古学探検隊がウズベキスタンへ派遣されることが決定となった。

加藤九祚氏は、1989年ウズベキスタン科学アカデミー美術研究所との契約により、古代クシャン朝の都であったダルベルジンテパ遺跡で行われた調査において、初めてウズベキスタンと日本の考古学探検隊を指導することになった。それまで長年にわたり、この土地での科学的な調査は当時の政府の許可の下で行われていた。更に外国の考古学代表団により発掘された出土品全ては、綿密な研究のため当時旧政府の中心部まで運送された。しかし、初のウズベキスタン・日本考古学調査後、以前の慣習とは



対照的に、発掘品は全てウズベキスタン国の歴史的且つ科学的文化遺産となつた。この調査の成功は日本の学会にも大きな影響を与えた。本調査により、ウズベキスタンにおける考古学、民族史、文化研究、美術につぐ更なる世界が開けたといえる。上記分野を研究するため、日本人の研究者や科学者、専門家が益々ウズベキスタンを訪問するようになった。

ウズベキスタンの独立及び旧帝国の崩壊は、旧政府の下で活動していたウズベク人科学者達に大きな衝撃を与えた。しかし、ウズベキスタンの初代大統領であったイスラム・カリモフ氏より、科学者達は国史を公正且つ公平に研究する義務が課せられた。この義務を果たすため、加藤九祚氏をはじめ、彼の同僚及びボランティアの人員は研究に励んだ。ウズベキスタンが独立しても、ウズベキスタンと日本の発掘調査は中止となることもなく、現在も進行中である。この学術的協力の日本の代表者は加藤九祚氏であった。

また、加藤九祚氏は、学問と文化の発展にも貢献した人物である。彼は科学の分野での驚くべき発見だけではなく、ウズベキスタンと日本との友好関係への貢献のため両国の学界からも深く尊敬されていた。ここで加藤九祚氏のウズベク考古学分野に対する貢献に関し言及したいと思う。

ウズベキスタンは国の独立性を強化するため、他の分野のみならず科学の分野に対しても国益の観点からアプローチを行った。かつての帝国の支持者であった科学者達は、当時政府からの資金の枯渇は勿論、専門家との関係も弱まり、ウズベキスタンの考古学研究が混乱状態に陥るだろうと考えた。しかし、加藤九祚氏及び彼の同僚達の活躍により、彼らの予測は間違いであったことが判明した。

加藤九祚氏は、ウズベキスタンの考古学研究に日本からの科学者や専門家を呼び寄せるとともに、最先端の日本の技術や設備、機器を導入した。更に、若手研究者の育成、また始まったばかりのウズベキスタン考古学の発展など、様々な活動のための努力を惜しまなかつた。

加藤九祚氏のウズベキスタン訪問は100回以上に上つた。彼は、例えるなら「独特なウズベク人」だったと言えるであろう。なぜならば、彼はいつも「ウズベキスタンは私の歴史的な第二の故郷である」と述べ、常にウズベク人のドッピ（伝統的な帽子）を被っていたからである。ウズベキスタンで加藤ボボ（ウズベク語で「お祖父ちゃん」の意）を知らない人はいないであろう。彼はウズベク人のあらゆるイベントに参加し、ウズベキスタンの文化を日本及び世界の国々に紹介した人物として、ウズベク人

の尊敬を集めた。特に、若者から愛され、彼らに対し「日本」と言えば「加藤九祚ボボ」を想像するほどである。

1988～1998年、発掘調査が続いていたダルベルジンテパで加藤九祚氏及び日本の支援により、2階建ての建造物が建設され、ウズベキスタンの考古学分野発展のため寄付された。1998年以後、加藤九祚氏はテルメズ郊外の遺跡の研究に多大な労力を費やした。アムダリヤ河岸には仏教時代における世界的に有名なファヤズテパ遺跡及びカラテパ遺跡が残っているが、旧ソ連政府のタンク置場と砲撃訓練場があったため、カラテパ遺跡へは立入禁止であった。一世紀以上も続けていたこの状況が打破され始めたのは、ウズベキスタン独立のことである。

加藤九祚氏は、旧ソ連政府により崩壊した遺跡を御覧になり大変心を痛め、この土地で活動を続けることを決意した。テルメズにおけるウズベキスタンと日本との科学的研究のため、加藤九祚氏は名誉市民となり、またテルメズ国立大学に隣接していた古い庭を修復し、研究所とした。彼は日本人の同僚とともにファヤズテパ遺跡及びカラテパ遺跡が荒天で崩れないよう力を注いだ。研究分野での活動に加え、加藤九祚氏は外国語にも造詣が深く、日本語以外に、露語、英語、独語、ウズベク語、トルコ語等の書物を購読した。

彼のウズベク語で表現したいくつかのフレーズは有名になっている。

加藤九祚氏は教え子たちにできる限り言語、特にウズベク語を学ばせていた。

彼曰く「ウズベク語が分かるのはすべてのチュルク諸語への入門となる。チュルク諸語がわかるのはシルクロードのことがわかるのと同様である」。

加藤九祚氏は、ほぼ30年にわたりウズベキスタンと日本の学術協力及び両国の友好を促進し、またウズベク考古学等の創建に貢献したため、2002年ウズベキスタン国の初代大統領により「ドストリク（友好勳章）」、テルメズ市より「名誉市民章」ウズベキスタン科学アカデミーと芸術研究所より「名誉博士章」を受けた。

加藤九祚氏はウズベキスタンと日本の友好促進に対する貢献のため、そしてシルクロード及び仏教文化の研究活動の25周年に関連して、日本でも勳章を受章した。

独立したばかりでウズベキスタンが困難な時代であった時も、加藤九祚氏はウズベキスタン国の中るい未来を信じていた。ウズベキスタン初代

大統領の尊敬を得た証拠に、大統領は2014年5月にサマルカンド市において行われた国際会議で日本人教授の目覚ましい活躍の価値について演説した。

加藤九祚氏の死は国際科学学界にとって取り返しのつかない大きな損失となった。

加藤九祚氏の死去は、ウズベキスタン国家にとって自国の偉人の死去と同等である。ウズベク人は民族、宗教、信条を問わず、人に対する敬愛の念や友情に篤い民族である。加藤ボボを敬愛しているウズベク人、特に若者は一生彼のことを忘れられないだろう。

ウズベク人と日本人の科学者が加藤九祚氏の素晴らしい活動を維持し続けること、そして両国の友好関係が永久に続行することを期待してやまない。

加藤九祚氏は生前、古代テルメズ、アムダリヤ川岸の仏教記念碑に死亡後は埋葬されることを望んでいた。加藤九祚氏が晩年になって学術的遠征でテルメズを足繋く訪れたのも、彼の願いの現れではないかと考えられる。日本の習慣や伝統に従い、故人の身内により加藤九祚氏の亡き骸は彼の故郷である日本へ移送された。しかし、加藤九祚氏の精神はいつまでもウズベキスタンと彼が敬愛していた遺跡に存在している。

天国の加藤ボボよ、さようなら

ウズベキスタン国文化担当官  
アカデミック  
ツルスナリ クジェフ